

1991
2000

Туркистон

Элим деб, юртим деб



ёниб яшаш керак!

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМФАРМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 26 июль, чоршанба. №56-57 (14339)

ИСТИҚЛОЛИНГ АБАДИЙ, ВАТАН!

“Камолот” худуди

“БИЗ — БЎЛАЖАК ЧЕМПИОНЛАРМИЗ!”

Юртимиз доврғини оламга таратаётган спортчиларимиз сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Уларнинг ворисларини тайёрлаш эса бизнинг олдимиздаги долзарб вазифалардан биридир. Австралиянинг Сидней шаҳрида ўтказилувчи Олимпия ўйинлари иштирокчиларига республикамиз Президентини ва ҳукуратимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор спортчиларимизни янада юксак марраларни эгаллашга руҳлантириши табиий. Айни шу ишга “Камолот” жамғармаси ҳам ўз улушини қўшмоқда, десак янглишмаган бўламиз.

Жамғарманин асосий мақсади

ёшларнинг Олимпия ҳаракати тўғрисидаги тушунчаларини бойитиш, Олимпия чемпионлари билан фахрланиш туйғусини шакллантириш орқали ушбу нуфузли спорт анжуманида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилувчи вакилларимиз қалбида галабага бўлган ишонччи янада мустаҳкамлашдан иборатдир.

Ушбу эзгу мақсад йўлида республикамизнинг барча вилоятларидаги оромгоҳларда “Бўлажак Олимпия чемпионлари — орамизда!” мавзуда санъат ва спорт фестивали ўтказилмоқда. Ана шундай тадбир яқинда Чирчиқ шаҳридаги “Гулзор” болалар оромгоҳида бўлиб ўтди.

Фестивалнинг очилиш маросимида

сўзга чиққан “Камолот” жамғармаси бошқарувининг раиси Ҳотам Абдураимов оромгоҳда ҳордиқ чиқараётган болалар ичидан ҳам Ватанимиз доврғини оламга таратувчи спортчилар етишиб чиқишига ишончи бисёрлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси вице-президенти, 1980 йилги Олимпия ўйинлари чемпиони Л.Павлованин Олимпия ўйинлари тарихи, республикамиз вакилларининг Олимпия ўйинларидаги иштироки ҳамда Ватанимизга Олимпия ўйинлари совриндори сифатида қайтган спортчиларимиз тўғрисидаги сўзлари болаларда кизиқиш уйғотди.

Сўнг мусобақа байроғи кўтарилиб,

беллашувга шарт берилди. 12 жамоа футбол, волейбол, стол тенниси, сузиш каби Олимпия ўйинлари таркибига киритилган спорт турлари бўйича баҳс юритди. Қизиқарли ва муросасиз кечаётган беллашув ҳақиқатан ҳам юртимиз ёшлари ўртасида спортнинг тобора оммалашаётганидан, Ватанимиз шарафини жаҳон ареналарида ҳимоя қилаётган спортчиларимизнинг чинакам ворислари етишиб чиқаётганидан дарак берар эди. “Камолот” жамғармасининг қимматбаҳо совғалари ва фахрий ёрликларини қўлга киритган голиблар нигоҳида акс этган “Биз — бўлажак чемпионларимиз!” деган ишонч Ватанимиз спортининг келажаги бундан-да порлоқ бўлишидан далолатдир.

Умида НАСРИДДИНОВА



АБИТУРИЕНТ-2000

шунослик институти, Самарқанд ва Бухоро Давлат университетлари кўрсатмоқда. Миср фахрий икки мамлакат олий ўқув й ва маърифий муассасалари вазифини ўтайди. Шу билан Миср кўлали, турани ани-маърифий ҳамда ҳай-қазини орқали икки халқнинг яқиндан танишишига ўз улу-ларказданги ўқув курсларида ҳис-олмамодалар. Яқинда битирувчиларга бундай курс-яни битирганлиги ҳақидаги нави равишда топширилади. 8 минг йиллик маданият жақаси ўзбекистонликлар-лик қизиқиш уйғотди? Миллий байрами арафасида газета, радио ва телевиде-ликда уч ойдан ортиқ мул-дан “Миср — 8 минг йил-лиги” мусобақаси роиблири-га кўра, олти нафар ўзбеки-исрга бепул саёҳат йўлла-дини голиб эса қимматбаҳо-р соҳиби бўлишиди. Муро-сини киши жавоб йўлагани,

данга кўрсатишадими ўйқми? Одам ҳам шунчалик ношукур бўладими-я? Агар шу хотин бўлмади улғур дурустроқ бўлганида ошлада шунчалик галва қарқда эди. Агар ҳар бир одам ўзининг вазифасини тўғри англаса ҳамма нарса жой-жойида бўлмасми? Қаранг энди, кеча анави хотин бўлмади балога йўлиққурга, кишишга кўйлак бер, десам, ювлангану йўқ, дейди. Бу гапни эшитиб уласанми-куясанми. Яна тағин уйда меҳмон бор эди. Жаҳлим чиқиб, бу кунингдан улғанинг яхши эмасми, бир эринг кўй-мини вақтида ювиб кўй-масанг, десам, меҳмоннинг олдига одамни изза қилиб яна гап қайтарайди, ахмоқ. Гўёки мен унинг қилаётган ишларини кўрмаётган эмман. Ўзингиз айтмиг, шундай вазиятда асабин-гиз қайнаб кетмайдими? Нима, уйда хотиним қў-наиб кетяпти, деб энди

қотиб қолди. Балки бозорга чиқиб кетсам яхши бўлар-ми? Лекин, ўлай агар, бо-зор деганларнинг «б» сизга тушунсам. У ерда ҳам бор-ган одамга «ма» деб тайёр-лаб қўймаганлар. Ҳамма жой-нинг уз тоши, ўз тарозуси бор, дейишди, ахир. Яна хўроз ҳамма жойда бир хил қичқиради, деган гап ҳам бор. Хотиним эса ўла қолса бу гапларни тушунгиси келма-ди. Нима эмиш, бир кунни кўчада сизга, писта сотиб ўтирган хотинлар унга роса мақтанчишганмиш. Уларнинг айтишича, кунга 100 талаб сизга сизга сотишар экан. Ҳар бирдан 250 сўмдан қолса ҳам икки ярим минг сўм бўлади, дейди. Бу бир ойда 75 минг сўм дегани. Яна тағин солиқ-дан, жой пулидан қочиб юришса... Кетса битта-ярим-та “ш”ни ёпишга 3-4 минг кетар.

Ҳаёт жумбоқларига жа-буён ечими топилаётган-сухбатдошимиз айнан шу Албатта, биз уни ёқтирма-Аммо, уни ҳам бир эшити-англамаган ҳақиқатлари

“ТУМАН”

хияти билан халқаро ташкилотлар эътиборига тушиб, уларнинг ишончини ўз меҳнати билан оқлаб келаётган оддий ўзбек йигитининг отаси сифатида ўз ўғлим, ўғлимга ўхшаш миллатимиз ёшларининг жаҳон миқёсидаги илмий ютуқларидан беҳад фахрланаман. Ахир, нега фахрланмай, истибод йилларида рўшонилик кўрмай ўтган бобом ва отамнинг, қолаверса ўзимнинг орзу-армонларим мустақиллик туйғули ўғлим сиймосида ушлаб турган бўлса? Маърузада Президентимиз Ўзбекистон ёшларининг илмий имкониятлари-

Махмуд САТТОРОВ



мангулик тимсолига айланиш даввосида бўламиз. Фидойиликни-да, содиқликни-да баландпарвоз жумлалар йўрагига ўраймиз. Бунинг натижаси ўла-роқ, камтарлик остона-сидан анчагина йироқ-лашганимизни, оёғимиз Заминдан узилаётгани-

ни пайкамай қоламиз... Юрдошим! Шу кун-ларда сен ҳам бошқа ҳамюртларимиз қатори Ватанимиз мустақил бўлган куннинг тўққиз йиллигини нишонлаш арафасидасан. Бу юртининг меҳри ҳақида сўзлаганда дилинг ифтихор туйғусига

тўлади. Унга содиқ фарзанд бўлиш учун қасамлар ичишга тайёрсан!!! Шундай вақтда Замин меҳрига манба бўлаётган жиҳатларни ёдингдан чиқарма, юрдо-шим! Замин бағрида мил-лат равнақи, юрт озод-

СИРА!

лиги йўлида жон берган кишиларнинг хоки бор. Замин кўнгли уларнинг қалбидеги юртга, башарга бўлган меҳр-дан сув ичди. Сен озод юрт фар-зандисан, юрдошим! Унинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, тарақ-қибига ҳисса қўиш, уни ёт нигоҳлардан асраш, тажовузлардан ҳимоя қилиш муқад-дас бурчинг. Юртинга хизмат қилар экансан, дарахдан ўртак ол, юрдошим. Оёғингни Заминдан узма! Шун-да Замин меҳрига муносиб жавоб қайта-риш учун чексиз имко-ниятлар мавжудлигини англаб етасан! Юртинга содиқ фарзанд бўлишни истасанг, Заминдан оёқ узма! Шунда Замин бағридан аба-дий жой олган аждод-ларинг садоқати қалбинга мустаҳкам ўрнашгай! Бизнинг Заминимиз хур Ўзбекистондир, юрдошим! Унинг чин фарзанди бўлишни истасанг, бу Заминдан оёғинг узилмасин! Зеро, сенинг Юрт мустақиллигини мус-таҳкамлаш учун қўшув-чи ҳиссанг ҳам, Юртга садоқатинг ҳам, Ва-танпарварлигинг ҳам ушбу Заминга оёғин-ни қанчалик мустаҳ-кам қўйишингга боғ-лиқ! Оёғинг Заминдан сира-сира узилмасин, юрдошим!!!

Маъруф ТОШПҲАТОВ, “Туркистон” муҳбири

“Туркистон”да танқид қилинган...

КИТОБЛАР КЎПАЙДИ

Яқинда газета-миз саҳифаларида Самарқанд вилоя-ти Иштихон ту-мани кутубхона-ларидаги қончи-сиз аҳвол танқид қилинган эди. Ушбу мақола юзасидан Иш-тихон тумани ҳоки-ми Х.Ҳақназаров им-зоси билан жавоб хати олинди. Унда жумладан шундай дейилган: “Туркистон” газе-тасининг 2000 йил 24 май сонидеги “Ўтган кунлар” ўқ, “Кеча ва кундуз” ҳам...” сарлавҳаси ост-тида чоп этилган мақола Иштихон тумани ҳокимлиги маданият ишлари бўлимининг кенгай-тирилган кенгай йу-ғилишида муҳокама этилиб, тегишли қарор қабул қилин-ди. Туман марказий кутубхонасида бу-гунгача 11458 дона китоб мавжуд эди. Янги адабиётлар ҳам, Ва-танпарварлигинг ҳам-дан бойитиш мақса-дида 200 минг сўмлик давр талаби-га мос китоблар олинди. Марказий кутуб-хонада китобхонлар учун барча шароит-лар яратилган.”

Ҳозирги ёшлар

Ушанда 25 май эди. Саросиё туманидаги 66-маҳсу мақтаб-интер-нат директори Ахтамкул Сафарбековнинг тақли-фига биноан сўнгги кўнгироққа борганим. Мақтаб ҳовлиси бай-рамона безатилганди. Қўлларидан гулдаста тут-ган жажжи болажонлар “бир синфга улаётганлар”дан хурсанд эдилар. Битирувчи синфлар-нинг тантанали чиқиш-лари-ю, мақтаб-интернат жойлашган “Дустлик” ма-ҳалласи раисаси Мали-ка опа Ҳакимбоевнинг саъй-ҳаракатлари нати-жасида ҳомиллар томо-нидан ажратилган тур-туман совғаларининг ўқу-йилини “аъло” баҳолар билан битказган, жамоат ишларида фаол иштирок этган ўқувчиларга топши-

ҲОКИМНИ КУТАЁТГАН ЎҚУВЧИ

рилиши мени анча қувон-тирди. Айниқса, болажон-лар Ўзбекистон мадҳияси-ни куйлашганда беҳитиёр кўзим ёшланди. Шу пайт худди катталардек қўла-рини орқага қилганча у ёқдан бу ёққа бориб келаёт-ган ва ўқтин-ўқтин дарвоза томонга қараб қўяётган йи-гитча диққатимни тортди. Ўрнимдан туриб, ёнига бордим. У менга қаради-ю, қўлини кўксига қўйиб са-лонлашди. — Танишмаймизи? — дедим ундан гап олиш мақ-садида. — Майли, Музаффарбек Исмоиловман. 3-синфда ўқийман. — дея жавоб бер-ди у. — Агар сир бўлмас ким-

ни кутяпсан? — Туманимиз ҳокими Қосимжон Холдоровни ку-таяпман. Буни ҳамма билад-ди, — деди йигитча мағрур-ланиб. — Орага бироз сукунат чўккач, тушунмаганимни сездди чоғи, ўзи изох бер-ди: — Ҳоким бобо ўтган са-фар келганларида “Ўқув йили давомида 200 та “беш” баҳо олган ўқувчиға менинг шахсий совғам бор” деб ваъда берганлар. — Сенинг неча “беш”инг бор? — 207 та бўлди. Аммо, ҳоким бобо нимагадир кел-маяптилар, — дея бироз хафа бўлди кичик суҳбат-дошим.

— Музаффарбек, ахир ҳоким бобо Олий Мажлис депутаты-ку. Бугун соат 10 да навбатдан ташқари сес-сия ўз ишини бошлайдди. Демак... — Ҳа, тушундим, — йигит-чанинг бироз чиройи очил-ди. — Нимани тушундинг? — Дадам айтгандилар. Депутатлар қонун қабул қилади. — Ўзинг ким бўлмоқчи-сан? — Прокурор. — Туман прокурорини кўрганмисан? — Ҳа. Ботир акани та-нийман. Дадамнинг иш жойлари билан ёнма-ён. — Даданг қаерда ишла-дилар? — қизиқиш билан

савол беришда давом этаман. — Дадам бозорда раис. — Кимга ўхшашни хоҳлайсан? — Президент бобом — Исмоил Каримовга. Чунки у кишини бутун дунё хур-мат қилади. Музаффарбек билан анча суҳбатлашдим. Унинг тили бийрон, ҳар гапда ишонч, қатъийлик ҳукмрон эди. Хайрла-шиш учун қўл узатган эдим, қутилмаганда: — Ўзингиз ким бўла-сиз? — деб сўраб қолди. — Мени... Мен... Камолддин МИНГДОВ, журналист

ВАТАНИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН

Ислом КАРИМОВ:
Ватанини ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Она-Ватан эса сен туғилган уй, унда қолган ота-онанг, туғишганларинг, ёру биродарларинг демакдир.

Амир ТЕМУР:
Ҳарб илмини пухта эгаллаган аскаргина ўз юртини ҳимоя қила олади. Аскарлари кучли давлат бой бўлур, бой давлатнинг аскарлари қудратли бўлур.

Армия сафида хизмат қилиш ҳар бир йигит учун улкан синов. Бу даврда у ҳам жисмонан, ҳам руҳан камол топади. Ватанимиз ҳимоячилари ўзбек миллати ҳеч қимдан кам эмаслигини ҳис этиб, томирда соҳибқирон Амир Темурдек шавкатли, қудратли, мард аждоди қони оқаётганидан гурурланади.

Бугунги кунда Қуролли Кучларимиз сафларини жасур, юраги Ватан туйғуси билан уриб турган ўғонлар тўлармоқда. Поёнтахтадаги ҳарбий бўлинмага кириб борар эканмиз, аскарларнинг майдона

Ийгитларнинг самимий сўзларини тинглаб туриб, улар юртнинг ҳақиқий фидойилари эканлигига яна бир қарра ишондик. Аскарлар билан суҳбатдан сўнг офицер Умрзоқ ака Абдураимов бизни мажлис-

дис кадрлар тайёрлаш истиқболлари

товнинг "Ички сўғориш тармоқларида электромангнит сув сарфи ўлчлагичларини яратиш" мавзусидаги, Низомиддин Давлатовнинг "Полимер-

саксон гектар ерда шולי, йигирма гектар жойда каноп парваришланмоқда. Бу билан битирувчиларимиз ўқиш давомида амалий иш тажрибасига

линей ишлаб турибди. Унда мамлакатимизда таълим олаётган иқтидорли ёшлар қабул қилинади. Профессорларимиз хорижнинг етакчи олий ўқув юртининг олимлари билан биргаликда қишлоқ хўжалик техникаси ва унга сервис хизмат кўрсатиш, сув ва сув ресурсларидан фойдаланиш, Орол денгизи

Кундузги бўлимга
* М 341101 — Сув хўжалиқ маҳсулоти истеҳсоли ва таълим олаётган иқтидорли ёшлар қабул қилинади.
* М 540802 — Пахта ва қанчоқ хўжалик маҳсулоти истеҳсоли ва таълим олаётган иқтидорли ёшлар қабул қилинади.
* М 540901 — Гидроэнергетика ва таълим олаётган иқтидорли ёшлар қабул қилинади.
* М 541001 — Гидроэнергетика ва таълим олаётган иқтидорли ёшлар қабул қилинади.
* М 621501 — Ер тўқимаси ва таълим олаётган иқтидорли ёшлар қабул қилинади.
* М 541102 — Ферментация ва таълим олаётган иқтидорли ёшлар қабул қилинади.
* М 540703 — Қишлоқ хўжалик техникаси ва таълим олаётган иқтидорли ёшлар қабул қилинади.
* М 540707 — Агрономия ва таълим олаётган иқтидорли ёшлар қабул қилинади.
Магистратурага ўқиш учун қабул қилинади.
— ректор номига ариза
— сислиги кўрсатилган ўқув юртига
— олий маълумоти ҳақидаги асосий қисми
— 3x4 см. ўлчамли сурат;

Институт м...
Коп...

"Камолот" мукофотиغا номзодлар

ЮРТ УЛУҒЛАНИШИ КЕРАК



Йигитлар халқларини мактабидан бошлаб тарбия қилиш...

Шоирнинг ушбу сатрларини ўқиб туриб, унинг ростлигига ишонч ҳосил қиласан. киши. Тўғри-да, халқнинг яши, ёмон кунига эр йигитлар яради.

Озодлик урушларида "Алвидо!" дея жан-жадалга кеиб, юртнинг озодлиги учун зирҳли қалқон бўлган бизнинг йигитлар эмасми? Ана шундай мард, жасур аждодларнинг бугунги ворислари ҳам халқ тинчлиги йўлида хизмат қилипти.

Шуларни ўйлаб туриб таҳририятга кириб келган ёшгина йигитнинг ҳарбий либосдаги унвони диққатимни тортиди.

— Катта лейтенантмисиз? — Саволимга: "Худди шундай" деган қатъиятли жавобни олдим-у, дўғриси айтсам, бироз хайрлангандим. Ҳарбийча жавоб мени шошириб қўйганди...

Катта лейтенант Зокир Юҳировнинг болаликдаги орзуси ҳарбий бўлиш эди. Отасининг ички ишлар бўлимида ишлагани орзуларининг рубога чиқишида дастлабки таянч бўлди. Зокир дастлаб Чирчиқдаги олий ҳарбий танк кўмондонлиги ўқув юртига ўқишга кирди. Узининг бир сўзлиги, чақонлиги билан командирларини лол қолдирди. Улар ўша пайтдаёқ бу ўғарига йигитчанинг кеажоги пороқ бўлишига амин бўлишди.

Олийгоҳни тугатганда у эндигина 21 ёшда эди. Ёш бўлишига қарамай, дастлаб взвод командири, сўнг рота командири бўлиб хизмат қилди. Айни пайтда у гуруҳ командири бўлиб хизмат қилапти.

— Ҳарбий бўлганимдан фахрланаман, - дейди гурур билан. - Чунки Ватанини қўриқлаш, ҳаётини фақат ҳарбий соҳага бағишлаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди. Бизни дуо қилиб ортимизда ота-онамиз, қадрдон миллат турибди. Улар учун ҳар қандай ҳолатда бўлмайлик, мардларча туриб берамиз.

Ҳар гал тонда турганимда мен Ватан ўғлониман, дея кўзимни очаман. Ватан - киндик қонимиз тўқилган муқаддас юрт. у улугланиши керак.

Ҳа, суҳбатдошим таъкидлаганидек, Ватанини улуглаш керак. Жонажон юрт эса ҳар доим Зокирга ўхшаган қатъиятли, асл йигитларга суянади.

АСКАР... СОҒИНЧ... ҲАЁТ...


шаҳдам қадам ташлаб юришлари ва ҳарб машқларини қийналмай бажаришлари қалбимизда ифтихор туйғусини уйғотди. Аскарлар билан суҳбатимиз ҳам шу туйғу таъсири остида кечди.

— Хизмат яхши кетяпти, — дейди сирдарёлик олдий аскар Аҳам Ботирбеков: — Уйга кетишимга уч

дан далолат беради. Клубнинг иккинчи қаватида жойлашган кутубхонага кирар эканмиз, жавонларга тартиб билан терилган бадиий ва илмий асарларнинг кўпчилиги бизни қувонтиради.

— Кутубхонага деярли барча аскарлар аъзо бўлишган, - дейди кутубхона мудараси Муҳаббат Жуманова. — Уларни кўпроқ бадиий асарлар қизиқтиради. Биз ҳам уларга қўлимиздан келганча яхши китобларни олиб келиб тарқатишга ҳаракат қиламиз.

Ҳа, аскарларнинг дунёқарашини шакллантиришда маънавий маскани бўлмиш кутубхонанинг ўрни катта. Зеро, ҳар бир аскарнинг хушбўлиғи ва жангвор тайёргарлигини оширишда илмий адабиётларнинг, маънавий дунёсини бойиштиришда бадиий асарларнинг роли ниҳоятда юксак. Уз касбининг устаси, кенг дунёқараш этаси бўлган аскар ва зобитлар эса юртимизнинг асл ҳимоячиси ва қалқони бўлгусидир.



ой вақт қолди. Ота-онам, дўстларимни жуда соғиндим. Баъзида йигитлар билан соғинчмизни ашула қилиб айтаман:

Аскар бўлиш, онажон, Мен юртимнинг бағрида. Сович хати ёзим мен, Олис диллар қаърида...

Бироқ, хизматдошларимни, командирларимни ташлаб кетиш мен учун оғир. Уйга йигитлик бурчимни утаб бораётганимдан фахрланаман.

Суҳбатимизга хоразмлик алоқачи Доғиёр Муминов қўшилиди:

— Шу ҳарбий бўлинмада хизматни утаётганимга яқинда бир йил тўлади. Утган вақт мобайнида жуда кўп нарсаларни ўргандим. Ҳарбий қасамднинг қабул қилиш ҳаётидаги унутилмас кунлардан бирига айланади. Ватан посбони бўлганимдан фахрландим. Хизмат менга кўп нарсас берди. Аввало, ота-онамининг, мени цингизор қутаётган қизнинг қадрига етияман. Кўп дўстлар орттирадим. Ватан сўзининг чиндан-да буоқлигини яна бир қарра англадим.

АДРЛАР — А ИСЛОҲОТ ТАЛАБИ



ҳавзасида экологик ҳолат муаммолари мавзуларида дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратишди. Ва бу қўлланмалардан талабалар беминнат фойдаланмоқда. Кейинги йилларда олимларимиз АКШ, Исроил, Жанубий Корея, Швеция,

Ҳарбийлар ҳаёти

ОМАД СИЗГА, СЕРЖАНТ!

Ун йилдан кўп вақт ўтибдики, Тургангул Пукашева ўз ҳаётини ҳарбий хизматга бағишлаб келади. Болалигини худди кечяғидек ёрқин эслайди...

Ушанда сочларини майда ўриб толбаргак тақарди. Дугоналари дастурмош тўқиса, у қўлига камон олиб, ўғил болалар билан мерганиликда куч синашарди. Жажигина қизалоқнинг "катта бўлсам сержант бўламан", деган сўзларига катталар кулиб қўйишарди. Болалиқнинг ойдин кунлари Тургангулнинг йилдан-йилга самимий, беғубор тилагини мустаҳкамлади.

Кўча-кўйда ҳарбий кийимдаги йигит-қизларни кўрса, ортидан ҳавас билан тикилиб қоларди. Бугун эса унинг ўзи ҳарбий кийимда. Ортидан энди унга ҳамма ҳавас билан тикилади. Унинг орзуси ҳам аслида шу эди...

— Дунёдаги энг бахтли аёлман, - дейди Тургангул опа биз билан суҳбатда. - Болалигимдаги барча орзуларга ўзимнинг ҳаракатларим билан эришдим. Бунинг ўзи бўлмади, албатта. Қилган меҳнатларим бугун ўзи самарасини берапти. Дўстлар орттирдим. Иккита қизим бор. Ҳарбий хизматдаги ёш аскар йигитлар фарзандимдек бўлиб қолишди. Уларга қўлдан келганча ёрдам бераман. Севган касбим билан фахрланаман.

"Қизларингизни ҳарбий соҳада ишлашини хоҳлармидингиз?" дея берган саволимизга опа кулимсираб жавоб қайтарди:

— Бу соҳанинг машаққатли томонлари кўп. Шунга қарамай, ҳарбийликни танлашса хурсанд бўлардим. Чунки Ватанимиз тинчлигини таъминлаш, нафақат йигитларнинг, балки қизларнинг ҳам бурчи деб ўйлайман. Ахир бизнинг илдишларимиз, Тумарисдек мард, жасур, оқила аёлга бориб тақалади-ку...

Сержант аёл билан ҳарбийчасига хайрлашар эканмиз, қалбимизда гурур туйғусини туйдик. Фахрланмай бўладими? Миллат оёсийишталлиги йўлида жонини фидо қилиб бўлса-да, Ватанини кўз қорачигидек асраётган ўзбек аёлини, унинг матонати, сабр-бардошини мактавли гаплар билан тавсифлашдан йироқдамиз. Бироқ, элим деб, юртим деб яшаган ва яшаётган бу юрт фарзандлари ҳар қанча олқишга лойиқ, Шулар қаторида сержант Тургангул Пукашевага ҳам куч-ғайрат ва оилавий бахт тилаб қоламиз!



Саволлар ва жавоблар

- 1. Йигитларнинг ҳарбий хизматни ўташи шартми?
- 2. Сизнингча муқобил хизмат афзалми ёки ҳарбий хизмат?
- 3. Ҳарбий хизмат сизнинг тасаввурингизда?
- 4. Ҳарбий форма сизга ёқадими?
- 5. Ватанпарварлик туйғусини ҳис қилишда ҳарбий хизматнинг аҳамияти қандай?
- 6. Сиз Ватан мудофасига тайёрмисиз?

Абдусолиҳ АЗИЗОВ — 18 ёш, 8-бизнес мактаб ўқувчиси (болалигида касал бўлган):

- 1. Шарт. Бу хизмат ҳар бир йигитнинг бурчи.
- 2. Ҳарбий хизматни афзал кўраман. Унинг қадрига етаман.
- 3. Ҳарбий хизмат йигитларнинг ҳаёт мактаби. Уларни мардликка, ўзини, юртини ҳимоя қила олишга ўргатади.
- 4. Ёқади. Чунки уни кийган ҳар бир йигит гурурланиб юради.

ХИЗМАТГА ТАЙЁРМИСИЗ, ЙИГИТЛАР?!

катта орзуим.
5. Бор, албатта. Армия ҳамма нарсани ўргатади. Ҳамма нарсага тайёрлайди. Хизматни ўтаган йигит ҳаётни чинакамига тушунади.
6. Ватан учун нафақат хизмат, балки у учун жонини фидо қилишга ҳам тайёрман.

Жасур ОТАМУРДОВ — 17 ёш:
1. Йигит киши ҳарбий хизматни ўтаса, ҳаётнинг, вақтнинг қадрига етади деб ўйлайман.
2. Ҳарбий хизмат маъқул.
3. Яхши. Меҳнат машаққатсиз бўлмайди-ку.
4. Ҳарбийларнинг формаси ҳар қандай одамга ёқса керак. Миллий формадан аскарларнинг мағрурланишлари ҳақида акамдан эшитганман.
5. Бор.
6. Ҳамма вақт тайёрман. Ҳозир ҳарбий хизматга қақришса югуриб борардим.

Тенгдошларимиз саволларга қисқа жавоб берган бўлсалар-да, кўнгилларидаги асл мудоғоларини ошкор этганларига хурсанд бўлдик. Демак, йигитларимиз ҳарбий хизматга тайёр. Фақат,

Анвар ҚОРАЕВ

Аскар қўшини

ВАТАН МАРДЛАРИ

Бу меҳр сўз билан сўрилган қонга, қўзларга тўғиб тупроғи, гарди. Уғиллар сунчиқ ота маконга, Ватанини қўриқлар йигитнинг марди.

Уйқунгиз қочмасин хатар келмаса, Бехуда тўқмангиз кўз ёш нолангиз. Туғилган юртига қалқон бўлмаса, Дунёга нимага келган болангиз?

Биздан хавотир олманг, Биздан хавотир олманг, Соғ-саломат уйга қайтамыз. Она-юртимизга хизмат қиламиз!

Дуолар қилсангиз бизни сиз қўллаб, Бир кун соғ-саломат уйга қайтамыз. Сиз айтган ҳовлига совчилар йўллаб, Сиз айтган киз билан тўйлар қиламиз.

Биздан хавотир олманг, Биздан хавотир олманг, Соғ-саломат уйга қайтамыз. Она-юртимизга хизмат қиламиз!

ЙИГИТЛИК БУРЧИ:

Мен ҳам шараф билан ўтаганман

Авваламбор, турли ҳарбий қисмларда чегараларимиз хавфсизлигини таъминлаётган Ватанимиз посбонлари омон бўлишсин. Ватан мудофасига ҳамма вақт тайёр турадиган йигитларимиздан фахрлансак арзийди. Мен ҳам йигитлик бурчимни ҳарбий хизматда ўтаганимдан ҳар доим гурурланаман. Хизматдошларим ҳозир республикамизнинг турли жойларида, турли соҳаларда ишлашади. Орамиздаги масофа узоқ бўлса-да, дилларимиз бир-бирига яқин. Мен уларнинг оилаларига бахт-саодат тилайман. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.

Илҳом ФАРМОНОВ, таникли эстрада хонандаси



Саҳифани "Туркистон" муҳбирлари Зибда АШУРОВА ва Шоди ОТАМУРДОВ тайёрлашди

Биласизми?

Муддатли ҳарбий хизматга қақришдан озода этиш

Тинчлик вақтида саломатлиги ёмонлашганини учун ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилган;

27 ёшга тўлгунча қадав мудатли ҳарбий хизматга ёки муқобил хизматга қақрилмаган;

руйхатадан ўтказилган диний шорваларнинг бирда диний рутбага эга бўлган;

туғишган ака-укаларидан бири мудатли ҳарбий хизматни ўташ вақтида ҳалок бўлган ёки улган қақирувчилар мудатли ҳарбий хизматга қақрилгандан озода этилаётганлар.

(**"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонунининг 18-моддасидан.**)

Фарзандларимиз орзуси

ТЕТАПОЯ ҲИСЛАР

Эҳтимол сарлавҳани ўқиб, таажубланаётгандирсиз?! Асло ҳайрон бўлманг. Агар сал эйтибдорлиқ бўлсангиз, уни фарзандларингизнинг хатти-ҳаракатидан ҳам илғаб олишингиз ҳеч гап эмас. Айниқса, бу ҳолатни уларга бирор иш буюрган чоғингизда яна-да аниқроқ ҳис этишингиз мумкин.

Фарзандингиз сиздан қандайдир топшириқ олган вақтида аскар каби қаддини ростлаб, ўнг қўлини чаккасига тираганча: "Хўп бўлади, ўртоқ капитан-майор!" деганича "буйрук"ни бажаришга чоққилаб қолганига неча марта

тувоҳ бўлгансиз?! Аниқ айтилмайсиз, чунки бунга сира эйтибор бермайсиз. Ваҳоланки, нотўғри бўлса-да, ҳарбий унвоннинг болажонларимиз томонидан тилга олинishi уларнинг ҳарбийларга бўлган ҳаваси, меҳридан нишондир. Бу ҳавасни, бу меҳрни болажонларимиз дилида эндигина тетапоя бўлган ватанпарварлик туйғуси десак, хато қилмаган бўламиз. Мен бунга пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги "Қуёш" номли 301-болалар богчасида бўлганимда яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим.

Нодирбек БЕКМУҲАММЕДОВ, 6 ёш:
— Катта бўлсам аскар

бўламан. Аскар бўлиш менга ёқади. Кинолардаги ботир, жасур аскарларга ҳавасим келгани учун уларга ўхшагим келади.

Отабек ИСРОИЛОВ, 6 ёш:
— Милиционер бўлмоқчиман. Чунки маҳалламиздаги болалардан ўғриллар ҳақида кўп эшитаман. Ўғрилари роса ёмон кўраман. Тўғри-да, нарсаси ўғирлайдиганлар кимга керак?

Азиз ЯНГАРЛИЧЕВ, 6 ёш:
— Аскар бўлмоқчиман. Шунда уйимизга ёмонларни яқин келтирмаймиз.

Абдулла ШАРИПОВ, 6 ёш:
— Катта бўлсам аскар

— Аскар бўлмоқчиман. Кейин генерал бўламан.

Жамол САТТОРОВ, 5 ёш:
— Мен генерал бўлмоқчиман. Чунки генерал кучли, ботир, зўр бўлади.

Фирдавсхон ҲАКИМОВА, 6 ёш:
— Мен биринчи доктор бўламан, кейин раққоса. Аскарларимиз, милиционерларимиз касал бўлишганда уларни даволайман, бизларни ҳимоя қилиб чарчашганида, ўйинга тушиб, уларни хурсанд қиламан. "Сетора" гуруҳининг "Сен борсан" қўшиғи клипиде чиққан аскар бор-у, ўша яна яралансан, униям даволайман.

Азиза ИЛҲОМОВА, талаба

Шавқий МАМДУХ:

Миср Араб Республикаси ўз миллий байрамини нишонлади

ҲАМКОРЛИГИМИЗ ПЙДЕВОРИ МУСТАҲКАМ

Миср Араб Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Шавқий Мамдух билан суҳбат



— Мухтарам элчи жаноблари, Ўзбекистон-Миср алоқалари кўлами ва бу борада кўлага киритилган муҳим натижалар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Ўзбекистон-Миср алоқалари кўлами кенг ва у турли жабҳаларни ўз ичига олади. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг икки давлат ўртасида турли соҳаларда имзоланган битим ва келишувлар бу алоқаларнинг мустаҳкам пойдеворини ташкил этади. Бу борада Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Мисрда қилган тарихий ташрифи чоғида олиб борилган музокара ва имзоланган икки томонлама муҳим ҳужжатлар алоҳида ўрин тутди. Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги ўзаро алоқалар ривожини таъминлаш йўлида итисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро кўшма комиссия тузилган бўлиб, у ўзининг икки йиллигини Тошкент ва Қоҳира шаҳарларида ўтказган. Комиссиянинг учинчи йиллиги шу йил Тошкент шаҳрида ўтказиш мўлажалланган. Икки мамлакат ўртасида ҳамкорликни янада юқори босқичга кўтариш борасида тинмай изланишлар олиб борилаётган. Расмий учрашув ва ташрифлар уюштирилмоқда. Яқинда ўзаро савдо-сотиқ бўйича муҳим келишув ҳам имзоланди. Сармога ва кўшма корхоналар кўламини кенгайтириш тараддуллари ҳам кўрилмақда.

— Элчи сифатида ўзаро ҳамкорликнинг қайси қирраларига эътибор қаратишни истардингиз?

— Ўзбекистон ва Миср ўртасида маданий, маърифий соҳадаги ўзаро алоқаларимизга сининг диққатингизни тортмоқчи эдим. Эеро, бу борада анча таҳсинга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Элчинома қошидаги Миср фан ва таълим маркази ҳамда Миср матбуот шўбасининг фаолиятини алоҳида кўрсатиш мумкин. Шу кунгача биз Ўзбекистоннинг олти олий ўқув юртида энг замонавий ўқув-техник воситалар билан жиҳозланган араб тили ва адабиётини ўргатадиган Миср ўқув марказларини очиб, ишга туширишга эришдик. Бундай марказлар Тошкент Ислам университети, Жаҳон тиллари университети,

Тошкент Шарқшунослик институти, Самарқанд, Наманган ва Бухоро Давлат университетларида фаолият кўрсатмоқда. Миср фан ва таълим маркази икки мамлакат олий ўқув юрталари, маданий ва маърифий муассасалари орасида кўприк вазифасини ўтайди. Шу билан бирга республикада Миср кунлари, турли кўргазма ва маданий-маърифий ҳамда хайри тadbирлари ўтказиш орқали икки халқнинг бир-бири билан яқиндан танишишга ўз улушини қўшади. Марказдаги ўқув курсларида кўплаб ёшлар таҳсил олаётганлар. Яқинда икки юзга яқин битирувчиларга бундай курсларни муваффақиятли битирганлиги ҳақидаги гувоҳнома тантанали равишда топширилади.

— “Миср — 8 минг йиллик маданият бешиги” мусобақаси Ўзбекистонда қандай ўртасида қачонки қилиниши уйротди?

— Мисрнинг миллий байрами арафасида матбуот шўбаси газета, радио ва телевидение билан ҳамкорликда уч ойдан ортиқ муддат ичида ўтказилган “Миср — 8 минг йиллик маданият бешиги” мусобақаси қўлибларини аниқлади. Бунга кўра, олти нафар Ўзбекистон фуқароси Мисрда бепул саёҳат йўлланимасин, йигирмага яқин голиб эса қимматбахор ва эсдалик совғалар соҳиб бўлишди. Мусобақада 7 мингга яқин киши жавоб йўлагани, энг кекса қатнашчи 97 ёшда, энг кичини эса 7 ёшда экани, хатлар орасида қўшни республикалардан ҳам жавоблар борлиги мусобақа уларда катта қизиқиш уйғотганини кўрсатади. МДХ мамлакатлари билан техникавий ҳамкорлик жамғармаси, Маълумотлар Давлат хизмати, Мисрда сайёҳликни тараққий эттириш Давлат хизмати томонидан ажратилган маъмур совринлар 20 июль кунини тантанали равишда топширилади. Шу муносабат билан катта концерт кўрсатилади.

— Элчи жаноблари, ўзбек халқига билдириш керакми бўлган энг агуу талақларингиз.

— Ўзбекистон-Миср алоқалари бундан кейин ҳам ривожланиб, тараққий топиши ва ҳаётнинг барча жабҳаларини қамрашига умид билдириб қоламан.

“Туркистон” мухбири Лола СОАТОВА суҳбатлашди

— Соат бунча имилла-маса. Яна одамнинг асабига тегиб чиқ-чиқлашига уласанми? Тезроқ тонг отгандайди, иш билан бўлиб ўғилчамни ҳам озгина унутган бўлардим. Э, дундақча-ей. Сенгайм қийин бўлди-а. Энди сени даданга кўрсатишадими-йўқми? Одам ҳам шунчалик ношуқур бўладими-я? Агар шу хотин бўлмай улгур дурустроқ бўлганда оилада шунчалик галва қеққа эди. Агар ҳар бир одам ўзининг вазифасини тўғри англасса ҳамма нарса жой-жойида бўлмасми? Қаранг энди, кеча анави хотин бўлмай балога йўлиққурга, кийишига кўйлак бер, десам, ювилгани йўқ, дейди. Бу гапни эшитиб уласанми-куясанми. Яна тагин уйда меҳмон бор эди. Жаҳлим чиқиб, бу кунингдан ўлганинг яхши эмасми, бир эрининг кийишини вақтида ювиб қўлмасанг, десам, меҳмоннинг олдига одамни изза қилиб яна гап қайтарди, ахмоқ. Гўёки мен унинг қилаётган ишларини кўрмаётган эмишман. Ўзингиз айтдинг, шундай вазиятда асабингиз қайнаб кетмайдими? Нима, уйда хотининг қийналиб кетяпти, деб энди кийимчи ҳам ўзим ювишим керакми? Э, умуман, буёғини оладиган бўлсак, шунча хотин эглаб юрибдику ҳаммасини. Ё эрим кам пул топади деб биратўла бошга чиқиб олаш керакми? Агар дангасалик қилиб, бир шунинг тайдни йўқ, уйда ётган бўлсам майли, айтаман-а десам. Эрта саҳардан чиқиб кетиб инстинтуп, мактаб, лицей айланиб дурс берсам. Бировдан ёмон баъса, бировдан яхши яшаб турибсан. Энди хо-

тишимни томошага, паркка олиб бориб туришим керак! Энг сархил нарсаларни ёйишимиз шарт, деб ўзимни бозорга ураимиз? Турғисини айтсам, бошим

ри, савобли касби бўла туриб кўпроқ пул топиш мақсадида қинғир йўлни танлаш шармандалик-ку. Ҳаммасини қонуний қилиб, белгиланган жойда, керакли тўловларни қилади узи! Менинг ягона айбим ноҳақликка чидаи олмаганимда. Хотиним-чи? У нега жаҳлини ичига юта қолади? Балки у ҳам ҳозир ноҳақликка чидаи олмай ишни хоҳлаб шундай қиламан. Кошки у буни тушунса. Балки мен буни тўғри англата олмаётганмикинман. Ким билади, эҳтимол Фарб олимаарининг, «Турмуш

Ж У М Т О Қ

Ҳаёт жумбоқларига жавоб излашда давом этайлик. Бугун неча асрлардан буён ечимни топилаётган эр-хотин можароси ҳақида тўхталимай. Негаки, суҳбатдошимиз айнан шу галвани бошидан ўтказиб, уйда ёлғиз ўтирибди. Албатта, биз уни ёқтирмаймиз, хотинини, болаларини ҳайдорган, ахир. Аммо, уни ҳам бир эшитиб кўрсак ёмон бўлмас. Балки унинг ҳам сизу биз англамаган ҳақиқатлари бордир.

ни тўлаб қўйиб савдо қилинг, бу бошқа гап. Турғиси, мен шундай хушмуомала, ён-верисини озода сақлабдиган сотувчиларни кўрганамда шу касбга ҳам ҳавасим келади. Сотувчи деган иборани баъдан озгина ижрганиб талаффуз қилишимиздан ўзим хи-жолат бўламан. Айни пайт-баламанки, менадан бунақа сотувчи чиқмади.

Аслидаку гап бунда ҳам эмас. Ўз касбим орқасиан ҳам кунимиз ўтадиган пулни топиб турибман. Фақат, шу хотин деганларнинг нафси ҳақалак олмаси бўлди эди... —Вақт бунча имилла-маса, юрагим сиқилиб кетяпти. Энди нима қилмоқчиман ўзи? Анави нусха қайтиб келармики? Агар қайтиб келса, инамай қабул қилсам нима бўлади? Бечора улаб турган экан, деган тушуничага бормайдими? Қолаверса, гурур келмас қилиб жўнатворсам юлган бўлармики? Болаларимни етим қилиб-я?

Хуллас, яхши иш бўлади. Энди икки ўрт орасида ёна-вераман. Унаан кўра уша кунни захримни ичига юлиб, кейинроқ, бафуржа гапла-шиб олганамда тўғри бўлар-ди. Энг ақли одам шунча

расво қилиб қўйдим, деб афсус қилиб ўтиргандир. Анқ афсус қиялпти. Баттар бўлсин. Эрга гап қайтариши ким қўйибди! ...У-ф-ф. Озгина жаҳлини босиб турса бўларди-я. Мен унга нима ёмонлик қилувам. Балки бир-икки марта ўртоқларим билан ичиб ул-фатчилик қилганим унга оғир ботдикикин? Ростдана, шу ортқича улфатчиликдан кимга фойда ўзи? Унаан кўра уша ўртоқлар билан бирон соя-салқин жойда енгилгина овқат қилиб, тўйгунингча суҳбатлашсанг яхши эмасми? Шунда ароқнинг пулга бо-шқа бир кунни хотининг, бо-шқаларинг билан ҳам шундай дам олишинг мумкин бўлади-ку.

Асосий бало эса жаҳлда. Жаҳл чиққанда ақл кетади. Қадамнингдан нарини кўрмай қоласан. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз, бирин-нинг жаҳлинг чиққанда ик-кинчиг паст бул, дейиша-ди-а... Лекин, барбир хотин деганларнинг эр билан ба-равар бўлиш тўғри эмас. Ахир мен хотинимни бирон марта ёмон кўрганамдан сўккан ё урушган эмасман-ку. Фақат ич-ичимдан унинг мен истаган аёл бўлишини

Нурбек ТОШНИЁЗ

Ўзбекистон — Ватаним маним

ШУ ЮРТНИНГ ФАРЗАНДИМИЗ

Булунғур тумани газлаштириш идораси жамоаси ўнга яқин миллат вакиллари билан ташкил топган. Улар миллатидан қатъий назар ўзларини Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб ҳисоблайдилар. — Биз Россияда туғилганмиз, - дейди Александр Валаев, - лекин ҳали ўзбеклардай саховатли, бағри кенг халқни кўрганимиз йўқ. Уғлим Славик ҳам шу идорада ишлайди. Икки қизим Россияга турмушга чиқиб кетишди. Улар ҳам мактабларида бизни кўчиб келишга ундайдилар. Лекин мен уларга Ўзбекистонни ҳеч нарсага алмашмайман деб жавоб қайтардим. — Мен элик ёшга кирдим, - дейди немис миллатига мансуб бўлган Иван Даумян, - хотиним рус, икита фарзандимиз бор. Булунғур шаҳрида яшаймиз. Турмуш ўртоғим Любовь Федоровна кўшчилар билан жуда иноқ. Ҳамма тўй-маъракаларга бизларни таклиф қилишади. Бу фақатгина юртимиз Ўзбекистонда бўлиши мумкин. — Биз Кримда таваллуд топганмиз, - дейди корхона фахрийси Теке Иззет. - Булунғур бизларга оғир йилларда ўз кучогини очиб макон берди. Шу ўлкада бахтимни топганимдан бошим омонда. Мен ҳаммаша бу ердаги тинчликка, осойишталикка эътиқод қиламан. Шу имкониятларни яратиб бераётган Юртбошимиз омон бўлсинлар. Бундай дил сўзларини ҳар бир ишчи мутахассиснинг озгидан эшитишингиз мумкин. Жамоа республикамизнинг тарихий жойларига бир неча мартаба саёҳатлар уюштирди. Меҳнат фахрийларининг ҳолидан хабар олиб турилади. Кўплаб миллат ва элларни ўз бағрига сиғдиролган, беминнат ошён берган қўшли республикамизнинг туپроғини кўзига тўтиб қилишга тайёр турган, тилларидан бол томиб шу ўлгага шукрона айтаётган корхона аъзолари мамлакатимиз тараққийтига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Пардабой ТОЖИБОВ

Таълим ва ислохот

ОРЗУМИЗ — ФИДОЙИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

Университетимиз жамоасининг асосий қисmini ёшлар, ёш таълиқотчи олимлар ташкил этади. Кейинги йилларда олийгоҳимизнинг уч юз қирқ нафар профессор-ўқитувчилари замон талабларига жавоб берадиган мутахассис кадрлар тайёрлаш билан биргаликда илмий-назарий, илмий-амалий, илмий-педагогик йўналишларда олиб бораётган таълиқот ишларини янада жонлан-тиришти. Адиқса, улар орасида ёшларимиз алоҳида аж-ралаиб туради. Ёш таълиқотчиларимиз нафақат ка-федраларимизда, балки Тош-кентлаги олий ўқув юртал-рида ҳам илмий излашни ш-а-р олиб бориша-пти. Универси-тетимиз аспи-рантурасида қирқ етти на-фар ёш таъ-лиқотчи аниқ мавзуга ўнал-тирилган таъ-лиқот ишни давом эттирмақда. Улар-нинг саз-б-ҳаракати натижа-си улароқ, яқинда иккита олимимиз докторлик, саккиз нафар таълиқотчимиз ном-золик диссертациясини ҳимоя қилдилар. Жорий йилда ҳам бити-рувчиларимиздан ун олти на-фарини танлов асосида ас-пирантурага қабул қилади. Улар Республика “Устоз” жамғармаси томонидан таш-кил этилган “Елгу университети” машғулотларида бун-дан ташқари халқаро миқ-садаги анжуманларда ҳам фаол иштирок этишмоқда. Жумладан, Мавлуда Рўзубо-

“Сурат ва сийрат” фототанловига



“КАМОЛОТ” КУБОГИ УЧУН

Ёз мавсумининг иссиқ ҳароратига қарамай, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида “Камолот” кубоги учун футбол мусобақалари Андижон вилоятида ўтказилмоқда. Мусобақада вилоятдаги 600 дан ортиқ маҳаллаларнинг футбол жамоалари иштирок этишати. Мусобақанинг финал босқичи Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллиги ара-фасида ўтказилади.

Ўз мухбиримиз

Меҳнат инсонни улуғлайди

КОРХОНА ОЁҚҚА ТУРДИ

Шаҳрисабз “Кумуш” акциядорлик жамияти жорий йилнинг ўтган олти ойида 343,2 тонна хўл пиллани қайта ишлаб, жами 73,1 тонна хом ипак хом ашёсини тайёрлади. Ва “Ўзбек ипаги” уюшмаси орқали фабрикаларга етказиб берди

Жамият раиси Ҳикматжон Қодировнинг таъкидлашича, корхона ўтган ярим йилликдан 22 миллион 800 минг сўм фойда билан чиққан. Йил охиригача яна шунча даромад олиш учун ишлар жадал олиб бориляпти. Бундан ташқари корхонанинг чет эл инвесторлари учун чиқарган қийматли 565 минг АҚШ долларига тенг 14850 дон акциясини Англиянинг “Картхилл инвестмент компани ЛТД” компанияси сотиб олди. Йигирма тўрт йилдан буён корхона Қашқадарь ва Сурхондарь вилоятларида етиштирилаётган пиллани тўла қай-та ишлаб бермоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, у бир йилда 270 тонна табиий хом ипакни қайта ишлаши мумкин. Бугунги кун-да эса корхона жамоаси ана шу мав-жуд имкониятдан фойдаланишга ҳара-кат қилаётди. Таъкидлаш керакки, “Кумуш” акция-дорлик жамияти 1996-98 йиллар ора-сида пилла хом ашёсини билан тўла та-ъминланмаганлиги, банк кредити бўй-ича катта миқдорда устама фойзалар тўла-гани ва бошқа субъектив омилларга кўра молиявий танглик аҳолига тушган-ди. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 11 мартдаги 107/23 сонли қарори бил-ан “Ўзбек ипаги” уюшмаси таркиби-даги ана шундай иктисодий ночор кор-хоналарга енгиллик туғдирилди. Ва улар марказлаштирилган солиқ тўлов-ларининг катта қисмини 2001 йилда тўлайдиган бўлишди. Иккинчидан, жамиятнинг раҳбари ўзгарди. Шу соҳада бир неча йил иш-лаб суяги қотган Ҳ.Қодиров Шаҳрисабз “Кумуш” акциядорлик жамиятига раис этиб тайинланган, ишлар жонланди. Раҳбар ҳар бир ходимга ташаббус кўрсатишда, виждонан, ҳалол ишлаш-да, янги-янги гоёлар ярата олишда ва амалий ишда ўрнак бўлди. Ҳикматжон ака билан биринчи ма-ротаба юзма-юз бўлганимда “Ука, нима қиласиз ёзиб, ҳали бизлар арзирли иш қилмадик-ку” деб камтарлик билан таклифимни қабул қилмаганиди. Кор-хонадаги иш жараёни билан та-нишиб чиққач, корхона ҳақида ёзишга аҳд қилдик. Чунки сўнгги бир ярим йил ичида корхона 125 миллион сўм миқдордаги қарздан қутулган. Иккин-чидан, хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик давом эттирилмоқда. Корхонанинг ипак ўрочи ишчилари Муҳаббат Султонова, Нозик Маликова ва Курбон Раҳмоновларнинг айтишича, жамоада ишлайдиган минг нафардан ортиқ ишчи-хизматчиларнинг ижтимо-ий-муҳофазаси яхшилланган. Қисқаси, Шаҳрисабз “Кумуш” акциядорлик жамияти аъзолари яқин-лашиб қолган Мустақиллик байрамини кўтаринки руҳда кутиб олмақда. Файзулла ДАВРОН ўғли, “Туркистон” мухбири

Тошкент Давлат Аграр Университети қошидаги Академик лицей 2000-2001 ўқув йили учун қўйидаги ўқув йўналишлари бўйича қабул эълон қилади:

1. АНИҚ ФАНЛАР
Физика-математика
Имтиҳон — математикадан (тест); Она тили ва адабиётдан (тест)
 2. ТАБИИЙ ФАНЛАР
Химия-биология
Имтиҳон — химиядан (тест); Она тили ва адабиётдан (тест)
 3. Академик лицейни битирганлар ўқув йўналишлари бўйича республикамиздаги турли олийгоҳларда ўқишларини давом эттиришлари мумкин.
Ўқиш муддати 3 (уч) йил.
Ўқишга тўққизинчи синфни битирганлар олинади.
ҚўЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТОПШИРИЛАДИ:
 1. Ариза.
 2. 9-синфни битирганлиги ҳақидаги гувоҳнома (асл нусхаси).
 3. Худудий касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик таъхис маркази таъсифномаси.
 4. Доимий яшаш жойидан берилган маълумотнома.
 5. 086-У шаклдаги тиббий маълумотнома.
 6. 3x4 ҳажмдаги 4 донна фотосурат.
- ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ 1 ИЮЛДАН 1 АВГУСТГАЧА
- Маъналийот Тошкент Давлат Аграр Университети қошидаги академик лицей, 96, 53 автобусларнинг “Мисрорайон” боқати, 115, 53 автобусларнинг “Аграр Университети” боқати

